SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O‘ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 29-aprel • Shanba • 50 (27.542) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

# «ВАТАН МАНФААТИ УЛУҒ ВА МУҚАДДАСДИР!»

АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ «БАРКАМОЛ АВЛОД» СТАДИОНИДА АНА ШУНДАЙ ШИОР ОСТИДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Унга вилоятдаги барча олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежи ва мактаблардан талаба-ёшлар ҳамда ўқувчилар ташриф буюришди. Фестивалда янграган «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон!» каби шиорлар нафақат ёшлар, балки барча андижонликларнинг қалбларидан севинч каби тошди.**




Ватанимизни, бунёдкор халқимизни мадҳ этувчи мусиқа садолари остида ўйингоҳга Абдулла Тангриев, Ўткирбек Ҳайдаров, Баҳодир Султонов каби Осиё ва жаҳон ва олимпия чемпионлари, ёш эстрада юлдузлари кириб келишди. Майдон узра таралган карнай-сурнай наволари тантанага ўзгача файз киритди. Абдуҳошим Исмоилов, Ёдгор Саъдиев каби халқ севган санъаткорларнинг чиқишлари, ёш хонандалар томонидан ижро этилган қўшиқлар йиғилганларга бир олам қувонч бахш этди.

— Бугунги фестиваль ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланиб кетди, десам янглишмайман, — **дейди Андижон давлат университети талабаси Малоҳат Ҳамидова.** — Кўплаб дўстлар орттирдим, уларнинг орзу-умидлари билан ўртоқлашдим. Шунга ўхшаш тадбирлар биз ёшларни юртимиз ривожи, қолаверса, турли ақидапарастларнинг ғаразли мақсадларига қарши курашда якдил бўлиб ҳаракат қилишимиз учун ўзига хос имкониятлар яратади.

Ёшлар фестивалида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов ва вилоят ҳокими Сайдулло Бегалиев иштирок этди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**





Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

Анжуман

# СУД ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛДИ

**Кеча Олий Мажлис қуйи палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб масалалари» мавзуида семинар ташкил этилди.**

Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатдаги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш ҳамда судларнинг мустақиллигини таъминлаш юзасидан билдирган таклиф ва мулоҳазаларига қаратилди. Шунингдек, иштирокчилар судларда жиноий ва маъмурий ишларни кўриб чиқиш, дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш процесси устидан суд назоратини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилик меъёрларини такомиллаштириш давр талаби эканлигини таъкидлашди.

Шунингдек, жиноий ишларни кўриб чиқишда халқ маслаҳатчилари иштирокини таъминлаш, одил судловни амалга оширишда адвокатлар иштирокининг ҳуқуқий асослари тўғрисида ҳам фикр алмашдилар.

Семинарда Қонунчилик палатаси депутатлари, республика «Юристлар малакасини ошириш маркази» тингловчилари, шу жумладан, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари раислари, адвокатлар, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ**

# «БАҲОР КАМАЛАГИ» ЖИЛОЛАРИ

Пойтахтимизда 28 апрель куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШҲТ) аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси якунланди

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон, Россия, Хитой, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон делегациялари раҳбарлари ШҲТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг Тошкент учрашуви самарали ўтганини алоҳида таъкидладилар.

Томонлар ШҲТ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама маданий ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган режани, Экспертлар ишчи гуруҳининг ШҲТ мамлакатлари ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган иш режасини, 2006 йил июнда Хитойда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг иккинчи санъат фестивали тўғрисидаги низомни тасдиқладилар.

ШҲТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида ташкилотга аъзо мамлакатларнинг «Баҳор камалаги» мавзуидаги рангтасвир ва амалий санъат кўргазмаси очилди. Унинг очилишида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, Қозоғистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Е.Ертисбаев, Хитой Халқ Республикаси маданият вазирининг ўринбосари М.Сяоси, Қирғизистон Республикаси маданият вазири С.Раев, Россия Федерацияси маданият ва оммавий коммуникациялар вазирининг ўринбосари Д.Амунц, Тожикистон Республикаси маданият вазири Р.Амиров ҳамда ШҲТ Котибияти вакиллари иштирок этди.

«Баҳор камалаги» Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ШҲТ билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакат тасвирий ва амалий санъат намуналари алоҳида экспозицияларда намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг Ўзбекистон бўлимида етук рассомлар ва ёш ижодкорларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Афсона ва ривоятлар, замонавий саҳна кўринишлари ва безакли композициялар, анъана ва услубий изланишлар замонавий ўзбек тасвирий санъатига хос жиҳатлардир. Улар халқимиз тарихий ва маданий меросининг муҳим қисми ҳисобланган амалий-безак санъати намуналарида ҳам ўз ифодасини топган.

Россия экспозициясида замонавий рус қуроқчи усталарининг асарлари намойиш этилаётган бўлса, қадимий Хитой маданияти шинавандалари Фуцзянь вилояти рангтасвир санъати вакиллари асарлари билан танишиш имконига эга бўладилар.

Кўргазмадан жой олган тожик рассомларининг ишларида эса турли тасвирий усуллар орқали ҳозирги замон кишисининг мураккаб дунёқарашини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қозоғистон экспозициясидаги заргарлик, каштачилик, кўнчилик буюмлари, шунингдек, кигиздан ишланган композициялар миллий анъаналар давомийлигидан далолат беради. Қирғизистон вакиллари ўтган асрнинг иккинчи ярмига оид расмлар, кигиз, чарм ва духобага ишланган анъанавий каштачилик намуналарини намойиш этмоқда.

«Баҳор камалаги» кўргазмаси ШҲТ мамлакатларининг ўзига хос санъат байрамига айланди. Таъкидламоқ керакки, «Баҳор камалаги» Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси доирасида ўтказилаётган ягона кўргазма эмас. Бир неча кун бурун Ўзбекистон байналмилал маданият марказида «Ҳушманзара Хитой» мавзуидаги фотокўргазма ҳам очилган эди. Унда хитойлик фотоусталарнинг ўз юртининг бугунги куни ва тарихидан ҳикоя қилувчи ўнлаб асарлари намойиш этилмоқда.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Тошкент давлат санъат институти фаолияти билан ҳам танишдилар.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ҚЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Фарғона шаҳрида «UD-Audifon» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси иш бошлади. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу корхонада ногиронлар учун эшитиш мосламалари ишлаб чиқарилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ер юзи аҳолисининг уч фоизи эшитиш қобилияти сустлигидан азият чекади.

Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ИСО-9001 сертификатига эга бўлгани учун ҳам жуда харидоргир. Айни кунларда 1200 дона эшитиш мосламасига буюртма олинди. Яна минг дона эшитиш мосламаси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонга экспорт қилинади.

**М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири**

Янги журнал

# «ҲУҚУҚ ВА БУРЧ»




Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотлардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришда, шунингдек, давлат-ҳуқуқий ва суд тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ҳуқуқий даврий нашрларнинг ўрни ва роли катта.

Шуни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди муассислигидаги янги «Ҳуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали ташкил этилди. Яқинда ана шу журналнинг илк сони нашрдан чиқди.

Журналнинг тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Отахонов, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти З.Муҳаммаджонов ва бошқалар янги журнал Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнининг фаол тарғиботчисига айланишига умид билдирдилар.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

ЎзХДП ҳаёти

# МАФКУРА ПАРТИЯ САФИНИ ЖИПСЛАШТИРАДИ

шунда ишимиз самарали, обрўимиз юқори бўлади, дея таъкидланди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши пленумида

*Ҳеч кимга сир эмас, бугунга келиб жаҳон майдонидаги мафкура полигонларида тўқнашувлар кескин тус ола бошлади. Мафкуравий тажовузлар, хуружларнинг турли хил кўринишлари пайдо бўлмоқда. Шунинг учун бузғунчи ғояларга қарши миллий мафкурамиз тарғибот-ташвиқотини кучайтириш масаласи кун тартибига кўтарилди. Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар фаоллари ҳам аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини ошириш ва Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама этдилар. Ушбу масала юзасидан Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Учқун ШОЙИМҚУЛОВ маъруза қилди.*

*Ўтган давр мобайнида шаҳар партия ташкилоти томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимлари ва шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ҳамкорликда семинарлар, учрашувлар ўтказди. Шаҳар ва туман кенгашлари, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши қошида «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотларининг ташкилий тузилмалари мустаҳкамланди. 13 та жамоатчилик қабулхонасига фуқаролардан кўплаб мурожаатлар тушмоқда. Уларнинг асосий қисми коммунал хизматлар тарифларининг ўсиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг пастлиги, ишсизлик, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлди. Уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.*

*Шунинг билан бирга қатор камчиликлар ҳам таъкидланди. Ўтган йил апрель ойида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз шаҳардаги бир қатор муаммоларни кўтарган эдилар. Орадан мана бир йил ўтди. Шу вақт мобайнида улар қанчалик даражада ечимини топди? Биз — партия фаоллари бунга қандай ёндашдик ва ўзимизнинг қандай ҳиссамизни қўшдик? Қайси бир фаолимиз бу борада бажарган ишлари ҳақида аниқ мисоллар келтира олади?*

*Нега шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз пойтахт истеъмол бозорини қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турлари билан тўлдириш масалаларини кўтариб чиқмаётир? Нега яқинда шаҳардаги транспорт қатнови масаласида рўй берган ўзгаришлар, хусусан метро қатнови чипталарининг бекор қилиниши талаба-ёшлар ва ўқувчиларни қийин аҳволга солиб қўйгани ҳақида индамайдилар? Ёки асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар нархлари ошиб бораётгани, ҳатто ўзимизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар қимматлашиб кетаётганини қандай тушуниш керак? Нега бу ҳақда Марказий Кенгашга, партиямизнинг Қонунчилик палатасидаги фракциясига таклифлар киритмаймиз, деган кўплаб саволлар ўртага ташланди.*

*Музокараларда сўзга чиққанлар шаҳар партия ташкилоти олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр билдирдилар.*

**Фарида АБДУРАҲИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Мен партиямиз Дастурида белгиланган ва бугун олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири ҳақида гапирмоқчиман. Бу — биринчи навбатда меҳнатга қобилиятли аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш. Айниқса, жойларда аҳоли кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимоя даражасини кўтариш асосий диққат-эътиборимизда бўлиши керак. Ҳозирги даврда сайловчиларимизни энг кўп қизиқтирадиган масалалардан муҳими шулардир. Агар бу борада тегишли натижаларга эришсак келгуси сайловларда ҳам партиямиз номзодларининг қўллаб-қувватланишига эришамиз.

**Гулчеҳра ОХУНОВА, ТДИУ проректори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Тошкент шаҳар Кенгашига партиямиздан 12 нафар депутат сайланган. Бугун шаҳардаги мактаб ўқувчиларига бир қатор имтиёзлар бериш масаласини кўтариб чиқяпмиз. Бу борада бошқа давлатлар тажрибалари ҳам ўрганилмоқда. Агар амалга оширишга эришсак, бу халқимиз учун ҳам, партиямизнинг обрў-эътибори учун ҳам жуда фойдали бўлади, деб ўйлайман.

**Вадим КУЧЕРОВ, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ўтган йил июль ойида партиямизнинг сўл сиёсий мафкурасини белгилаб олдик. Бу бежиз эмас албатта. Чунки, мафкура масаласи бугун дунё ҳамжамиятида асосий ўринга кўтарилганлигидан хабарингиз бор. Бу ерда мафкурамиз тарғиботига алоҳида эътибор бериш лозимлиги айтилди. Бу тўғри. Аммо, сиёсий мафкурамизни фақат назарий жиҳатдан тарғиб этмасдан, уни амалий ишларимиз воситасида халқимиз онгига сингдириб боришимиз лозим. Шунда электоратимиз бизни осонроқ қабул қилади ва ҳар доим қўллаб-қувватлайди.

**Собитхон ИМОМОВ, Учтепа туман «Кўкча Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Айни пайтда ниҳоятда муҳим вазифага эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Мана маҳаллаларда бўладиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳам яқинлашиб қолди. Бунда партия ташкилотлари асосий эътиборни ХДП аъзоларининг маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиси лавозимига сайланишга қаратишлари лозим деб ўйлайман. Мамлакатимизда юз фоиз аҳоли маҳаллаларда яшайди. Биз ўша аҳолининг ичидаги ишларимизни кучайтирсак, кўзланган манзилга тезроқ етамиз, назаримда.

**Мунира ЭРКАЕВА, Мирзо Улуғбек туманидаги 142-мактаб директори:**

— Мактаблар борасида фаолларимиз хайрли ишларни бошлаган. Уларга бир марталик тадбир, деб қарамасдан, изчил давом эттириш лозим, деб ўйлайман. Бу ёш авлод — партиямиз келгуси лидерлари тарбиясида катта иш бўлади албатта.

*Пленумда, шунингдек, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақида, 2005 йилги бюджети ижроси ва 2006 йилдаги асосий кўрсаткичлари, Тошкент шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг фаолияти, партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ишларининг бориши ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.*

*Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва нутқ сўзлади.*

**Беҳзод ШУКУРОВ**

O‘zbekiston havo yo‘llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O‘ZSANOATQURILISHBANK
KO‘PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

**ЎзХДП ҳаёти**

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМИ

# БАҲСЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

**Фарғона вилоят партия кенгашининг навбатдаги пленуми ўз-ўзини танқид, иштирокчиларнинг фаоллиги остида ўтди. «Ютуқлар ўзимизники, пленумда аввало ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар устида фикрлашиб олайлик» деган шиор йиғилишнинг асосий мазмунига айланди. Пленумда ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленумининг мафкуравий ишларга оид кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалари хусусида маъруза қилди.**

**Бошланғич партия ташкилотлари, айрим шаҳар ва туман партия кенгашлари мафкуравий вазифаларни кутилган даражада бажара олмаяптилар. Тўғрисини айтганда, уларнинг айримларида бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш тўғрисида аниқ тасаввур етишмайди. Кўплаб партия кенгашлари жиддий масалаларни ҳал қилиш ўрнига енгил-елпи йиғилиш, номига семинар ёки тадбирлар ўтказиш билан шуғулланаётганликлари ҳам сир эмас. Пленумда сўзга чиққанлар партия ишидаги ана шундай камчиликларга эътибор қаратдилар. Бундай «ишлаш» усулига чек қўйиш борасида жиддий фикр-мулоҳазалар билдирдилар.**

*Кейинги йилларда бир неча бор танқид қилинган, зарур маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар кўрсатилганлигига қарамай Боғдод, Охунбобоев, Қува туманлари партия кенгашлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бермади. Натижада баъзи бир туман кенгашлари раисларини вазифасидан озод этишга тўғри келди.*

*Вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини қониқарли деб баҳолаб бўлмайди. Депутатлар билан ХДП вилоят, шаҳар, туман кенгашлари орасидаги муносабатлар мустаҳкам эмас. Халқ депутатлари вилоят кенгашида ХДПдан 23 нафар депутат сайланган. Аммо, ХДП ўтказадиган тадбирларда улардан кўпи билан 5-6 нафари иштирок этмоқда, холос.*

*Пленум қатнашчилари партиямизнинг бугунги сиёсати, дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, бу борада муайян ўзгариш ясаш лозимлигини таъкидладилар.*

**Эминжон ХОНКЕЛДИЕВ, ЎзХДП Қува туман кенгаши раиси:**

— Туман партия кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари билан алоқалари деярли сусайиб қолганлигини икки йил аввал, туман кенгашига биринчи котиб бўлиб келганимда тушундим. 70 та бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турадиган 3500 нафар партия аъзосининг бир қисми партия ҳаётида деярли иштирок этмаётганликлари аниқланди. Бизга номига эмас, эътиқодли, фаол аъзолар керак, деган ғояни илгари сурдик.

ХДП қошидаги жамоатчилик қабулхоналари иши эса фаоллашиб бормоқда. Йил бошидан буён қабулхонамизга 30 дан зиёд фуқаро мурожаат қилган бўлса, улардан 25 нафарининг аризаси ижобий ҳал этилди. Бизда ҳозир замонавий идора жиҳозлари, жумладан, компьютер техникалари етишмовчилиги мавжуд.

**Зуҳра МАМАЖОНОВА, Бувайда туман марказий шифохонаси бошланғич партия ташкилоти раиси:**

— Ҳозирги пайтда Бувайда туман соғлиқни сақлаш тизимида 780 нафар ХДП аъзоси фаолият кўрсатяпти. БПТнинг йиғилишларида тиббиёт хизматининг бугунги аҳволи тез-тез муҳокама қилинади. Кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар ижроси таъминланиб бориляпти. Жамоамизда ХДП бошланғич ташкилотининг ўрни ва роли ўсиб бормоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ, тиббиёт хизмати у ёки бу камчиликлардан холи эмас. Аммо, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида Президентимиз қабул қилган Фармон ва қарорларнинг бу соҳадаги ижросини таъминлашда ХДП бошланғич ташкилотининг роли катта.

**Илҳомжон КАРИМОВ, ЎзХДП Учкўприк туман кенгаши раиси:**

— Партиямиз фаоллари олиб бораётган ишлар аҳоли турли қатламлари орасида бизга нисбатан муносабатни белгилаши табиий. Бу, айниқса, мамлакат парламенти, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар жараёнида яққол кўзга ташланади. Очиқ айтиш керак, халқ ҳар беш йилда бир марта у ёки бу партия фаолиятига тегишли баҳо беради. Шу боис мана шу масалани ҳеч қачон диққат марказидан қочирмаслик, депутатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, келгуси номзодларни ҳозирдан саралаб, тайёрлаб бориш, мафкуравий ўқувлар ташкил қилишимиз зарур. Зеро, партия ходими аввало мафкура курашчиси, тарғиботчисидир.

**Муҳаммаджон БАННОПОВ, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши ходими:**

— Дарҳақиқат, кейинги йилларда аъзолик бадаллари тўплаш вазифасини бирламчи деб билиб, мафкуравий ишларга панжа ортидан қарайдиган бўлиб қолган партия ходимлари ҳам пайдо бўлиб қолди. Тўғри, сиёсий тадбирларни режа асосида ўтказиб турибмиз. Аммо, уларнинг самарадорлиги масаласичи? Жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг аҳволини бир кўринг. Тўпланган одамларга жонли сўз, тирик мисол, ишончли ахборот билан мурожаат қила оладиган ходимларимиз, афсуски, етарли эмас. Ҳолбуки, партия ишига ўтаётган ходим аввало нотиқ, ўз ишининг устаси, одамларни ортидан эргаштира оладиган шахс бўлиши лозим. Менимча, ўқув юртлари домлалари орасидан партиямизга хайриҳоҳ, унинг ғояларини халққа етказишга қобил олимларни партия тарғиботчиси, ташвиқотчилари даражасига олиб чиқиш зарур.

*Пленумда, шунингдек, ЎзХДП вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг ва вилоят кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг 2005 йилги фаолияти, партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишга оид масалалар ҳам муҳокама этилди.*

*Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева қатнашди ва сўзга чиқди.*

✧✧✧

*Шу куни Фарғона шаҳридаги вилоят кутубхонасида маҳалла оқсоқоллари, ўқув юртлари, мактаблар раҳбарларининг тарғибот-ташвиқот, маънавий ишлар бўйича ўринбосарларининг ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева билан учрашуви ўтказилди. Учрашувда Фарғона давлат университети қошидаги «Олима аёллар» уюшмаси аъзолари ҳам қатнашдилар. Йиғилганларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, ундаги ЎзХДП фракцияси фаолияти ҳақида ахборот берилди. Учрашув қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозараларга бой бўлди.*

**Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

---

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# САРМОЯДОР УЧУН МУҲИМИ — ОШКОРА МАЪЛУМОТ

Миллий иқтисодиётимиз учун 2005 йил катта ютуқларга бой бўлди, дейишга тўлақонли ҳақлимиз. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг реал ўсиши 7 фоиз, аҳоли реал даромадлари 22 фоиз, олтин-валюта захираси 30 фоизга кўпайганлиги фикримизни яққол исботлайди.

Сўнгги беш йилдаги молия бозорига боғлиқ баъзи кўрсаткичлар таҳлилидан кўринадики, аудиторлик хизматини кўрсатиш пул билан ҳисобланганда тахминан 9 баравар, аҳолининг банклардаги омонатлари 10 баравар, банклар жами капитали 3,4 марта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган кредитлар ҳажми 3 марта кўпайгани салмоқли натижа сифатида баҳолашга арзийди. Шу ўринда, молия бозорининг ажралмас қисми ҳисобланган фонд бозори ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Эндиликда «дивиденд», «эмитент» каби атамалар нафақат ишбилармонлар, балки оддий кишилар тилида ҳам тез-тез айланмоқда. Чунки, бугунги кунда аҳоли орасида мулкдор — акциядорлар сони бир миллиондан ортиқни ташкил этмоқда. Айниқса, акцияларга тўланадиган дивидендлар бўйича даромад солиғи миқдори жорий йилдан бошлаб амалдаги 15% ўрнига 10% белгиланишидан фонд бозорига қизиқувчилар сонининг янада ошиши кутилмоқда. Бундай шароитда иқтисодиётнинг реал тармоқларига ўз маблағларини йўналтирувчи сармоядорлар учун зарур **маълумотлар ошкоралиги** муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий ахборотлар ошкоралиги ва улардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги сармоядорлар ва бозор иштирокчиларида амалга ошириладиган операцияларга нисбатан ишончни таъминлайди.

Республикамизда ахборотлар ошкоралигини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий база бундан 4-5 йил аввал яратилган. Дастлаб, аниқроғи, 2001 йил 30 августда **«Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Қонун қабул қилинган. Шу асосда **«Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан ахборотларни ошкор қилиш тўғрисида низом»** ва **«Молия бозори қатнашчилари бўлган банклар томонидан ахборотларни ошкор қилиш тўғрисида низом»**лар амалга киритилган.

Миллий фонд бозорига банклар сармояси йўналтирилишини кенгайтириш юзасидан ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, корхоналар хусусийлаштирилишида акциялар бирламчи жойлаштирилуви умумий ҳажмидан 50 фоизигача банклар томонидан сотиб олинишига рухсат этилди. Ушбу тартибнинг жорий этилиши туфайли ўтган йил республикамиз фонд бозорида савдолар анча жонланди. Хусусан, акциялар бирламчи савдо ҳажми 2004 йилга нисбатан 1,4 марта ошди ёки 88,6 млрд. сўмга етди. Акциялар бирламчи бозорига инвестиция қилинган маблағларнинг 61,5 фоизи ёки 54,5 млрд. сўми тижорат банклари салмоғига тўғри келди. Бошқача айтганда, сўнгги икки йилда корхона акцияларига банклар томонидан йўналтирилган инвестиция ҳажми 3,5 марта кўпайди. Бундай ҳолат тижорат банкларига акциядорлик жамиятлари орқали иқтисодиёт тармоқларини бошқариш, Кузатув кенгаши таркибида қатнашиш, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишни назорат қилишда бевосита иштирок этиш имконини бермоқда.

Айни пайтда қимматли қоғозлар бозорида жарима санкциялари миқдори ва уларни қўллаш механизми ҳали қайта кўриб чиқилиши лозим. Амалдаги тартибга мувофиқ қоидаларга риоя этмаган иштирокчиларга нисбатан ушбу бозор фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан энг кам иш ҳақининг 70-800 баравари миқдорида иқтисодий жазо чоралари қўлланиши белгиланган. Амалиётда ваколатли орган томонидан битта иштирокчи бир вақтнинг ўзида бир неча турдаги жаримага тортилган ҳолатлар учрайди. Зеро, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Юртбошимиз **«жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик субъектлари учун жарима санкцияларини камайтиришни кўзда тутадиган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бошланган ишларни ниҳоясига етказиш керак»** деб уқтирдилар.

Шунингдек, аудиторлик хизмати томонидан акциядорлик жамиятлари, шу жумладан, банкларда ўтказиладиган текширувлар жараёнида сармоядорларни қизиқтирувчи муҳим маълумотларнинг ошкор этилиши ва жорий корпоратив бошқарув ҳолати холис баҳоланиши лозим. Бозор муносабатлари шароитида сармоядорлар учун корхона ёки банк фаолиятига боғлиқ баъзи операциялар қонунийлиги ва уларнинг ҳисоботларида тўғри акс эттирилишига ишонч ҳосил қилишлари мураккаб ҳисобланиши мумкин. Бу ҳолда акциядорлик жамиятининг ижроия органи фаолиятидан дахлсиз ва мустақил ҳисобланган ички ва ташқи аудит томонидан тасдиқланган маълумотларга эҳтиёж сезилади.

Банк тизимида фаолият кўрсатаётган аудиторлик хизматлари таҳлилидан кўринадики, аудиторлик текширувларида банк активлари сифати, капитал етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, таваккалчилик ва ликвидликни ўлчаш вазифаларини бажариш билан чекланмоқда.

Амалдаги тизим такомиллашуви — акциядорлик жамиятларида корпоратив фойданинг кўпайиши, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишни таъминлайди. Зеро, Юртбошимиз ҳам ўз маърузаларида корпоратив бошқарув тизимида тегишли тартиб ўрнатиш, акциядорлик жамиятлари ва уларнинг Кузатув кенгашлари ролини тубдан қайта кўриб чиқиш, акциялар ва объектларнинг биржа савдоларида сотилишида ошкоралик тамойилларини кескин кучайтириш зарурлигини алоҳида қайд этдилар.

Хуллас, ҳаққоний ҳамда ошкора ахборотлар мавжудлиги иқтисодий қарорлар натижасини тахмин қилиш ва сармоя бозорида самарали фаолият кўрсатишга хизмат қилади.

**Ўткир ЖЎРАЕВ, Марказий банк Ички аудит департаменти директори ўринбосари**

---

# ФАРЗАНД ҚУВОНЧИДА ВАТАН ИҚБОЛИ

**Пойтахтимизда «Она диёр оҳанглари» мавзуида миллий спорт ва ҳаваскор жамоалар ёш ижодкорларининг фестивали бўлиб ўтди**



Юксак маънавиятни шакллантириш ҳақида гап кетар экан, ёшларимиз тарбиясида муҳим саналувчи маданий-маърифий тадбирларнинг, спорт мусобақаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Куни кеча пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий ҳамда Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғларида ўтказилган «Она диёр оҳанглари» мавзуидаги фестиваль ҳам мактаб ўқувчилари, лицей-коллеж талабаларининг санъат ва спортдаги қобилияту иқтидорларини яна бир бор намоён этди, десак муболаға бўлмас.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда миллий спорт ва ҳаваскор жамоалар ёш ижодкорлари ўзлари тайёрлаган қизиқарли бадиий дастурлари билан иштирок этишди.

Айтиш жоизки, мазкур фестиваль халқимиз миллий қадриятларини эъзозлаш, ёшларимизда уларга нисбатан ҳурмат, эътибор туйғусини янада кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан бирга бугунги кунда тобора кўпроқ хавф солаётган ғаразли ахборотларга қарши ёшларимизда тўғри тушунчаларни шакллантиришга қаратилган. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мазкур санъат анжуманининг янги истеъдодлар кашф этилишида, қолаверса, бадиий чиқишлар воситасида фарзандларимизга Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Фестивалнинг биринчи куни карнай-сурнай садолари остида саҳнага пойтахтимиз туманларидаги маданият уйлари, мусиқа ва санъат мактаблари бадиий жамоалари таклиф этилди. Уларнинг миллий созлар жўрлигида ижро этган куй-қўшиқ ва рақсларида юртимиз бахтиёр ёшларининг орзу-интилишлари, мақсад ва ниятлари тараннум этилди.

Тадбир дастуридан ўрин олган карнай-сурнай, доирачилар дасталари, анъанавий ижрочилик ансамбллари, мақом ижрочилиги, эстрада, миллий ва хорижий рақс санъати, фольклор дасталарининг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб борилди. Шуниси эътиборлики, мазкур фестиваль доирасида кўргазма ҳам ташкил этилиб, унда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган маданият уйлари тасвирий санъат ва наққошлик, ҳунармандчилик, каштачилик ҳамда миллий либослари билан иштирок этди.

— Бугунги фестивалга «Моҳир қўлчалар» тўгарагида тайёрланган ҳунармандчилик буюмларини олиб келдик, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият уйи раҳбари Раҳима Юсупова. — Ушбу тўгарак бундан 7 йил аввал ташкил қилинган бўлиб, аъзоларимиз шу пайтгача кўплаб кўргазма ва танловларда совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда.

Икки кун давом этган фестиваль якунида пойтахтимиз туманлари орасидан энг кучли жамоалар аниқланиб, уларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***Суратда:*** *фестиваль тантаналаридан лавҳа*

---

# ҲАМ ЎҚИЙДИ, ҲАМ ИШЛИ БЎЛИШАДИ

Жамият тараққиёти, халқ турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан аҳолининг, шу жумладан, хотин-қизларнинг иш билан бандлигига боғлиқ. Бу борада Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Зеро, халқимиз қадимдан касаначиликнинг: тикувчилик, зардўзлик, дурадгорлик, наққошлик, каштачилик, мисгарлик каби менталитетимизга мос йўналишлари билан шуғулланиб келган.

Тошкентдаги Мирзо Улуғбек тумани «Уста — шогирд» ҳунармандлар мактаби ҳам юртимизда касаначиликнинг ривожи йўлида фаолият юритаётган муассасалардан бири.

— 2002 йил Тошкент шаҳар ўқув маркази, Мирзо Улуғбек тумани меҳнат бўлими ва 35-Мирзо Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ташкил этилган мазкур мактабимизда, — дейди ўқув маскани директори Раъно Ҳамидова, — асосан ёш қизларни ҳунарга ўргатиш мақсад қилинган. Ҳозир уларни тўрт йўналишда — зардўзлик, каштачилик, гилам ва миллий либослар тикиш ҳамда қандолатчилик йўналишларида ўқитаяпмиз. Туман меҳнат биржаси аълочи талабаларимизга махсус стипендиялар жорий қилган. Москва шаҳрида МДҲ давлатлари орасида бўлиб ўтган кўрик-танловда ёш қандолатчиларимиз фахрли ўрин эгаллаб, махсус диплом ва совғалар билан тақдирланишди. Шунингдек, касаначилик бўйича «Ташаббус — 2006» танловининг туман босқичида ўз миллий маҳсулотларимиз билан 2-ўринга сазовор бўлдик.

Бу ерда яна бир салмоқли ишга қўл урилди: айни чоғда битираётган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида мактаб қошида «Чевар-Нисо» корхонаси ҳам ташкил этиляпти. Корхона яқин вақт ичида иш бошлайди.



**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

---

**Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

# КОЛЛЕЖДАГИ «ҚЎШҲОКИМИЯТ»ЧИЛИК

**ЖАМОАДА НОСОҒЛОМ МУҲИТНИ ЮЗАГА КЕЛТИРМОҚДА ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЎТКАЗМОҚДА**

2002 йилда Жиззах вилоятининг чекка Арнасой тумани марказида кўрса кўргулик, ҳавас қилгулик касб-ҳунар коллежи биноси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. 300 ўқувчига мўлжалланган ушбу кошонада бугун 485 нафар йигит-қиз ўқияпти. Улар банк иши, ҳисобчилик, молия, тикувчилик, мактабгача таълим ҳамда ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича касб-ҳунар ўрганишмоқда. 40 ўринли шинам ётоқхона, ажойиб спорт зали, кутубхона, ёрдамчи бинолар ўқувчилар ихтиёрида.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидай: ҳар куни ўқувчилар келиб-кетишаяпти, ўқитувчи-мураббийлар белгиланган тартиб бўйича машғулотларни ўтишаяпти. Афсуски, юзакироқ разм солган кишига шундай туюларкан, холос. Аслида, коллежда шу кеча-кундузда «ажабтовур иш»лар, таълим-тарбия жараёнига путур етказаётган шундай ҳолатлар содир бўлаяптики, буни дабдурустдан илғаб олиш осон эмасга ўхшайди.

Аввало, кадрлар масаласини олайлик. Чунки ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади, деган қанотли ибора бекорга айтилмаган. Бу ерда эса умумтаълим фанларини ўқитиш учун ўқитувчилар етарли-ю, аммо мутахассисликлар бўйича махсус фанлардан дарс берадиган мураббийлар бармоқ билан санарли экан.

— Бу ҳақда айтмаган жойимиз, бош суқмаган эшигимиз қолмади, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Фарида Раббимова. — Бошқармага ҳам бир неча бор хат билан чиққанмиз. Лекин амалий ёрдам йўқ. Масалан, ўқув йили бошида ЭҲМ оператори йўналиши бўйича ўнлаб аризалар тушди. Бироқ синфхоналар ва мутахассис кадрлар етишмаслиги сабабли бундай гуруҳ очишнинг иложини қилолмадик. Ариза берганларни ихтиёрий-мажбурий тарзда бошқа йўналишларда ўқишга ўтказиб юбордик. Албатта, кўпчилиги бу масалада биздан норози ҳам бўлишди. Аммо, иложимиз қанча?

— Бизда махсус фанлар бўйича дарсликлар йўқ, — унинг фикрини давом эттиради ўқитувчи Ислом Қаюмов. — Молия бозори ва биржа иши, таннарх калькуляцияси сингари бир неча фанларга доир дарсликларни Тошкентга бориб, молия институти кутубхонасидан бир неча ҳафтага илтимос қилиб олиб келаяпмиз ва шу йўл билан вазиятдан чиқишга ҳаракат қилаяпмиз. Бироқ қачонгача шундай бўлади? Бошқармадаги мутасаддиларни бу ҳол ташвишлантирмаётганга ўхшайди.

Коллеж раҳбари Абдували Сафаровнинг айтишича, ўқув йили бошида бола кўплигидан дарслар икки сменада ўтказилган. Узоқдан келадиган болалар кеч қолишганларидан сўнг маъмурий бинодан саккизта хона ўқув ишлари учун ажратилди ва машғулотлар бир сменага ўтказилди. Аммо бошқа мақсадларга мўлжаллаб қурилган ва жиҳозланган бундай хоналарда машғулотлар ўтказилишини бирон важ билан оқлаш, вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир мақбул йўли, дея баҳолаш унчалик ҳам тўғри бўлмаса керак.

Биз борганда банк иши йўналишидаги биринчи курс ўқувчиларига муаллим Дилмурод Тойлоқов дарс ўтаётган экан. Журналда қайд этилган 30 нафар ўқувчидан атиги 11 нафари машғулотда қатнашаяпти. Навбатчи ўқувчи Шоҳиста Алиеванинг айтишича, икки нафар ўқувчи вилоят марказига компьютер олиб келишга кетган. Демак, шу куни бу синфда давомат бор-йўғи 47 фоизни ташкил қилган.

— Ўқув йили бошида 72 нафар ўқувчимиз бир неча ҳафта дарсга келмади, — дейди Фарида Раббимова. — Мактаблардан уларнинг ҳужжатларини ташлаб кетишса-да, ўзларидан дарак бўлавермагач, суриштирдик, уйларига бордик. Бириси у дейди, бириси бу. Хуллас чоп-чоп, югур-югурлар билан бир амаллаб уларни ўқишга жалб қилдик. Кўриб турибсиз, бизга ҳам осон эмас...

Ўқитувчи ва мураббийлар билан суҳбатлашдик. Коллеж мақомини кўтариш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида савол-жавоблар бўлди. Аммо кўпчиликда бу нарсаларга қизиқиш ўрнига анчайин лоқайдлик, бефарқликни кўрдик. Суриштирсак, гап бошқа ёқда экан. Айтишларича, коллежда «қўшҳокимият»чилик ҳукм сураётганмиш. Амалдаги раҳбар Абдували Сафаров «Мен қонуний директорман» деса, унинг амалиёт ишлари бўйича ўринбосари, собиқ раҳбар Шавкат Пардаев «Йўқ, бу ерда менинг айтганим бўлади» дермиш.

— Бу ҳолат, яъни «қўшҳокимият»чилик анчадан бери давом этаяпти, — дейди қўшни тумандаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи раҳбари вазифасини бажарувчи Раҳим Суяров. — Директор ўқитувчиларни йиғиб, бир топшириқ берса, ўринбосар уларга бошқа нарсани айтади. Муаллиму мураббийлар гап нимадалигини билолмасдан ҳайрону лол. Албатта, бу нарса жамоадаги муҳитга, таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир ўтказаяпти.

Савол туғилади: вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарлари Арнасой иқтисодиёт коллежидаги бундай нохуш ҳолатларни билишармикан? Хабарлари бўлса, нима учун ўзларини билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олишаяпти ва неча ойлардан бери давом этиб, кундан кунга газак олаётган, кўпчиликнинг асабига тегаётган бу каби ғалати «иш»ларга барҳам бериш чора-тадбирларини кўришмаяпти? Ёки... коса тагида нимкосаси бормикан?

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

Огоҳ бўлинг, ахборот терроризми

# ДЎСТНИНГ МАСЛАҲАТИ ВА ДУШМАННИНГ МАҚСАДИ

Шубҳасиз, ҳаётни ҳамма ҳам севади. Бироқ ҳаёт жуда мураккаб. Унинг қоқиладиган сўқмоқлари ва ошиб ўтиладиган довонлари бор. Шундай экан, ҳар қандай ҳолатда ҳам ақл-идрок билан иш кўрган маъқул. Айниқса, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашда тўғри йўл танлаш инсонни саодатга эриштиради. Ана шундагина жамият изчил тараққий этиб, юксалиб бораверади.

Аксинча, инсон йўлдан адашса, дўстнинг маслаҳатини ва душманнинг мақсадини тўғри англаб етмаса, ҳаётда катта хатога йўл қўяди. Агар одамлар орасида бундай хатолар кўпайса, жамият инқирозга юз тутади.

Ҳозир катта мақсад йўлидаги курашни давом эттираяпмиз. Юртда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро меҳр-оқибатни кучайтириш, ўзгалар иғвоси ва ғавғосидан ҳушёр бўлиш, юрт шаъни учун кураш бугунги кунимизнинг бош шиори бўлиб қолган. Негаки, бизни ўз ноғораларига ўйнатиб, ўз йўриқларига юритмоқчи бўлаётган ташқи кучлар ҳамон орамизга низо уруғини сочишдан воз кечмаяптилар. Улар Андижон воқеаси билан боғлиқ турли уйдирмалардан иборат туҳмат тошларини отиш билан эски ярани қўзғаб, ўзлари учун касб қилиб олган ахборот терроризми билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Айниқса, интернетнинг айрим сайтларида берилаётган уйдирмаларни ўқисангиз ҳайратдан энсангиз қотади.

Мен андижонлик, аниқроғи асакалик бўлганим учун жим туролмадим. Иғво-ю уйдирмаларга жавоб беришга ҳаракат қилар эканман, муносабат билдириш ва хулоса чиқаришда илгари ўзим ишлаган Сирдарё вилоятидаги юртдошларимнинг фикрларига таянмоқчиман.

Бир сафар Боёвут туманида бўлганимда ёш имом-хатиб Саидаҳмад Валиев билан суҳбатлашдим. У Андижонда юз берган воқеани тинчликка раҳна солувчи фитна деб атар экан, унинг ижрочиларини катта гуноҳ иш қилганликда айблаб шундай деди: «Биз муқаддас динимизни ниқоб қилиб, ўзларининг ярамас хатти-ҳаракатлари билан одамлар оромини бузганларни қоралаймиз. Юрт тинчлигининг қадрига нима етсин».

— Тўғриси, фитна туфайли ёш ҳарбий йигитлар нобуд бўлганига жуда-жуда ачиндим, — деди шу тумандаги «Наврўз» маҳалласида яшайдиган бир отахон.

Унинг қўшниси Исроил Абдураҳимов ҳаяжон билан гапирди. Исроил аканинг невараси Нодирбек ҳарбий хизматга ўтган йил баҳорда чақирилган экан. У Андижонга тушибди. Май ойи бошида уйга Нодирбекдан хат келди. Хатда у ота-онасини ва қариндош-уруғларини қасамёд қабул қилиш тантанасида иштирок этишга чақирибди. Бир автобус бўлиб йўлга чиқамиз, деб туришганида шу воқеа юз берди. Нодирбек соғ-омонмикан, деб ота-она, қариндош-уруғ бир ҳафта оромини йўқотди. Ниҳоят, Нодирбекдан қўнғироқ бўлди. У Ватанни ҳар қандай хуружлардан ҳимоя этаман, деб қасамёд қабул қилибди. Кўнгиллари таскин топган ота-она, қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар Нодирбекнинг қатъиятлилигидан фахрланишди.

Орадан бир йил ўтиб, хориждан тарқатилаётган иғволар орасида юз берган воқеани (аслида уюштирилган фитнани) иқтисодий қийинчиликларга боғлаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бироқ вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, обрў-эътиборли отахонлар ва онахонлар билан суҳбатлашганимдан сўнг, бундай уйдирмалардан ғаразли мақсадлар кўзлаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Чунки, жойларда ҳаёт, аксинча, яхши томонга ўзгариб бораётганини кўрдик. Жумладан, Гулистон тумани марказида бир гуруҳ дангалчи чоллар даврасида очиқ-ойдин суҳбатлашишга тўғри келди. Бир отахон ҳаммага қарата шундай деди: «Тўйларимиз, маърака-маросимларимиз олдингидан ёмонроқ ўтяпти, чорва молларим камайиб кетди, уйимда доним йўқ, дейдиган мард бўлса, қани, ҳамманинг олдида айтсин?!» Шу пайт даврани ушбу овозлар босиб кетди: «Худога шукр, гўшт-сутга серобмиз!», «Биродар, бугун қимирлаган оч қолмайди!» Ҳеч қачон имонли қариялар ёлғон гапиришмайди.

Қишлоқларимизда бундай тўғри сўз ва соддадил отахонлар жуда кўп. Улар ҳеч кимдан ҳеч нарсани яширишмайди.

Вилоятда бўлганимда ана шундай отахонлардан яна бири билан танишиб қолдим. У пенсия ёшида бўлишига қарамасдан 69-мактаб-интернатга раҳбарлик қиларкан.

— Бизда фақат кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари тарбияланади, — деди Актам ака Ҳотамов. — Ўқувчиларни оиланинг шароитидан келиб чиқиб, ўзимиз танлаб оламиз. Ётоқ жой, кунига уч маҳал иссиқ овқат, дарсликлар, ўқув қуроллари, кийим-бош — ҳаммаси бепул.

— Кимлар ҳисобидан? — сўрайман Актам акадан.

— Ҳомийлар.

— Хўп, ҳомийлар кимлар?

— Илгари шу ерда тарбияланиб, кейинчалик ҳаётда ўз йўлларини топиб кетган фермерлар, тадбиркорлар, раҳбар ходимлар, ишлари юришиб бойиб кетган саховатли инсонлар.

Мактаб-интернатдаги шарт-шароит, ғамхўрлик, меҳрибонлик, саранжом-саришталик ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Айтинг-чи, бундай шарт-шароитни кўриб, ундан баҳраманд бўлаётган қишлоқ одамлари хорижнинг оммавий ахборот воситаларида берилаётган қайси уйдирмаларга ишонишлари мумкин?! Шубҳасиз, ҳеч бирига ишонишмайди. Турли тоифадаги одамлар иштирокидаги мулоқотлар жараёнида аксарият аҳоли хориж журналистларининг иғвогарлик мақсадидаги уйдирмаларига шубҳа билан қараётганига ишонч ҳосил қилдик. Ҳар қандай одил жамиятнинг пойдевори кўча оломонига таянган олатасир ва беҳаё ҳаёт билан эмас, балки тўғрилик, ҳалоллик, эзгулик ва маънавий қадриятларга асосланган эркинлик билан яратилади.

Буни идрок этиш учун ақл-идрок керак. Ақл-идрок Оллоҳ томонидан инсонга берилган олий неъмат. Энг муҳими, фикрлашда, идрок этишда ва хулоса чиқаришда бу неъматдан ўринли фойдаланиш керак. Акс ҳолда душманнинг ноғорасига ўйнаб, дўстнинг маслаҳатига панд беришимиз мумкин. Жамиятимиз пойдевори мустаҳкам бўлса, қонун устуворлиги таъминланади, иғво-ю фисқу-фасодга, бош-бошдоқликка ўрин қолмайди, миллий ва маънавий қадриятлар қадр топади, эртанги кунимизга ишонч ортади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

XORIJDA

## ИСРОИЛ

*Уч ҳафталик қизғин музокаралардан кейин Исроилнинг икки нафар энг йирик «Кадима» ва «Авода» партиялари коалиция ҳукуматини тузиш ҳақидаги келишувни имзолашди.*

*Исроил Вазирлар Маҳкамасини амалдаги бош вазир ва «Кадима» партияси етакчиси Эхуд Ольмерт бошқарадиган бўлди. «Авода» партияси раҳбари Амир Перец эса мудофаа вазири лавозимини эгаллайди. Бундан ташқари, лейбористлардан ташкил топган «Авода»чиларга ҳукуматдаги таълим, қишлоқ хўжалиги, миллий инфраструктура, туризм каби вазирликлар бошқаруви топширилади.*

*Умумий ҳисобда ҳукуматга 27 нафар вазир тайинланади. Бу Исроил тарихидаги энг катта Вазирлар Маҳкамаси таркиби бўлади.*

## ИТАЛИЯ



*Яқин кунларда Италия парламентининг янги таркибдаги икки палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтиши кутилмоқда. Мамлакатнинг янги бош вазири Романо Проди май ойининг ўрталарида ўз вазифасини бажаришга киришади.*

*Даставвал, парламент аъзолари икки палата спикерларини сайлаши керак бўлади. Кейинги ойда эса Италия президентлигига сайлов бўлиб ўтади. Амалдаги давлат раҳбари Карло Чампининг етти йиллик ваколати май ойида тамом бўлади. Карло Чампи бу сафарги сайловга номзодини қўймаслигини айтиб ўтди.*

*Берлускони янги Вазирлар Маҳкамаси таркиби шакллантирилгунча Италия ҳукумати раҳбари вазифасини бажаради. Мамлакат конституциясига биноан, янги ҳукумат шакллантиришни бош вазирга Италия президенти топшириши керак.*

*22 апрель куни Италиянинг аппеляция суди Проди парламент палаталарининг иккаласида ҳам кўпчилик овозларни олганлигини тасдиқлади. АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Германия ҳукуматлари чап марказчилар коалицияси етакчисини ғалаба билан табриклади.*

*Шунга қарамасдан, амалдаги бош вазир Сильвио Берлускони сиёсий рақиби ғалабасини тан олмаяпти.*

## МИСР

*Миср ҳукумати «Ал-Жазира» араб телеканалининг Қоҳира бўлими раҳбари Ҳусайин Абдул Ғанини бир кун давомида ҳибсда ушлаб туриб, гаров эвазига қўйиб юборди. Полиция журналистни Синай оролида рўй берган портлашлар ҳақидаги репортажлари борасида сўроқ қилди.*

*У «миллий хавфсизликка раҳна солувчи ва тартибсизликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ёлғон ахборот тарқатган»ликда айбланмоқда.*

*Душанба куни Мисрнинг Дахаб шаҳрида уч портлаш содир этилганди. Портлашлар натижасида 18 нафар шахс ҳалок бўлди, яна ўнлаб одамлар яраланди.*

## АҚШ

*Нью-Йоркда 2001 йил 11 сентябрь куни амалга оширилган террорчилик туфайли бузилиб кетган Бутунжаҳон савдо марказининг ўрнига «Озодлик» биносини қуриш бошлаб юборилди.*

*«Озодлик» биносининг қурилиши молия, архитектура ечими ва хавфсизлик масалалари борасидаги тортишувлар туфайли чўзилиб кетганди. Бино қурилиши 2012 йилга келиб тугалланиши режалаштирилган. «Озодлик»дан ташқари, Бутунжаҳон савдо марказининг янги комплексига учта офис учун мўлжалланган осмонўпар бинолар, яшаш учун мўлжалланган турар-жойлар, концерт ва кўргазмалар учун ажратилган марказ, музей ва 2001 йил 11 сентябрь қурбонлари мемориали киради.*

*Бино баландлиги 1776 фут (541,4 метр)ни ташкил этади. Ташкилотчилар 1776 йили АҚШ мустақиллиги эълон қилинган сана эканлигини ҳисобга олиб, бино баландлигини шунга мослашга ҳаракат қилганликларини билдиришган.*



**Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар ва корхоналар диққатига!**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

2006 йилда қуриладиган қуйидаги иншоотлар бўйича танлов савдоларини

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

*1. Наманган вилоят Тубдиспансери объектини мукаммал қайта қуриш.*

*2. Наманган шаҳар 2-туғуруқхона объектини мукаммал таъмирлаш.*

*3. Уйчи тумани, Ўнхаят қишлоқ врачлик пункти объекти.*

*4. Янгиқўрғон тумани, Зарбдор қишлоғидаги мавжуд бинони қишлоқ врачлик пунктига мослаштириш объекти.*

*Буюртмачи:* ***Наманган шаҳар, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.***

***Телефон: (8-369) 226-63-03.***

*Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва қўшимча маълумотларга эга бўлиш ҳамда танлов савдолари ташкил этилиши, керакли ҳужжатлар билан таъминланиши тўғрисида Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компаниясига мурожаат этишлари мумкин.*









TDM

**ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ЭГАЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!**

**«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТ»**

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги* **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»***ги 308-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан пойтахт вилоятининг Бўка, Оққўрғон, Чиноз, Бўстонлиқ ва Қуйичирчиқ туманларида омухта ем маҳсулотларини сотиш шохобчаларини очганлигини маълум қилади.*

*Бугунги кунда ушбу шохобчалар орқали қорамоллар ва майда туёқли моллар учун ТУ Tsh Уз-8-95-98 давлат андозаси ва КС 65 Уз рецепти асосида ишлаб чиқарилган сочма ва гранулаланган омухта ем маҳсулотлари сотилмоқда.*

**«Тошкентдонмаҳсулот» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли омухта ем сотиш шохобчалари қуйидаги манзилларда жойлашган:**

- ✓ **Бўка тумани, «Бўстон» ширкат хўжалиги, 1-бўлим.**
- ✓ **Оққўрғон шаҳри, Охунбобоев кўчаси.**
- ✓ **Чиноз шаҳри, Оқ олтин маҳалласи, Сарбозор кўчаси.**
- ✓ **Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Ибн Сино кўчаси.**
- ✓ **Қуйичирчиқ тумани, «Ўзбекистон 5 йиллиги» ширкат хўжалиги.**









